

А Ж Р И М

2026 йил 16 январь кунда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи: Ж.Ботиров, судья ёрдамчиси Д.Тўхтаевнинг котиблигида, томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси О.Хасанов ва Жомбой туман ИИБ ПГ катта инспектори С.Сафаровнинг иштирокида,

Маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизи – 1992 йил 7 майда Жиззах вилоятининг Арнасой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169–моддаси 1–қисми билан, хар ойлик иш ҳаққининг 15 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган жазо муддати 1 йилни ташкил қилади, Жомбой тумани, Халвойи маҳалласи, Чалакўрғон қишлоғида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169–моддаси 1–қисми билан судланган Маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини бошқа оғирроқ жазоси билан алмаштириш ҳақидаги Жомбой туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

а н и қ л а д и :

Судга, Жомбой туман ИИБ томондан тақдимнома киритилиб унда, Маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизига суд томонидан юклатилган мажбуриятни қасдан ўтамасдан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли унинг ўталмай қолган 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 46–моддасига асосан жазони бошқа оғирроқ турига алмаштиришни сўраган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизи ўз кўргазмасида, ўталмай қолган жазо муддати 1 йилни ташкил қилишлиги, Пробация гуруҳи ходимлари томонидан жазони ўташ қодалари ёзма равишда таништирилиб, жазони ўташ тартиби ва шартлиги тўғрисида тилхат орқали огоҳлантирилганлиги, Жомбой тумани Камбағалликни қисқартириш ва Бандликка кўмаклашиш томонидан бир нечта иш таклиф қилинганлиги, лекин таклиф қилинган ишларининг оиласини боқишга ойлик маоши кам бўлганлиги, ишлашга имконияти йўқлиги ва соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли рад қилганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, яна бир бор имкон беришни, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини билдириб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлиси муҳокамасида сўроқ қилинган Жомбой туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори С.Сафаров ўз кўргазмасида, Маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизи, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169–моддаси 1–қисми билан, хар ойлик иш ҳаққининг 15 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилганлиги, ушбу ажрим 2025 йил



10 ноябрь куни ижро ҳисобига олиниб, 2025 йил 12 ноябрь куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби ва шартлиги тўғрисида оғзаки ва тилхат орқали огоҳлантирилганлиги, Жомбой туман Камбағалликни қисқартириш ва Бандликка кўмаклашиш марказига йўлланма берилганлигига қарамай, ҳеч қайсига ишга кирмасдан туман суд томонидан тайинланган жазони ўтамасдан ўзбошимчалик билан юрганлиги, ушбу ҳаракатлари билан жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли 2025 йил 1 декабрь куни Жомбой туман ИИБ Пробаця гуруҳига чақиртирилиб огоҳлантирилганлиги, Жомбой туманида жойлашган “Сам Нур еликтр” МЧЖга ишга жойлаштирилганлиги, бироқ ишга сабабсиз келмаганлиги, сабабли МЧЖ раҳбари томонидан 2025 йил 6 декабрь куни ишдан бўшатирилганлиги, 2025 йил 8 декабрь куни Жомбой туман ИИБ Пробаця гуруҳига чақиртириб Жомбой туман Камбағалликни қисқартириш ва Бандликка кўмаклашиш марказига йўлланма берилганлигига қарамай, ҳеч қайсига ишга кирмасдан туман ИИБ ходимларига хабар бермасдан суд томонидан тайинланган жазони ўтамасдан ўзбошимчалик билан юрганлиги, ушбу ҳаракатлари билан жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли унинг ўталмай қолган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 46–моддасига асосан бошқа оғирроқ жазосига алмаштириб, Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни сўраб баён этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46–моддасининг 4–қисмида, “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўтгиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига кўшиб ҳисобланмайди.” деб кўрсатилган.

Суд, тақдимнома билан танишиб чиқиб, йиғма жилдда тўпланган ҳужжатларни тафтиш қилиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, ишда қатнашган Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси О.Хасановнинг фикрини, Жомбой туман ИИБ Пробаця гуруҳи катта инспектори С.Сафаровнинг кўрсатувини тинглаб, Маҳкума ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташдан қасддан бўйин товлаб келганлиги боис, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 1 йилни ЖКнинг 46–моддасига асосан шу муддатга озодликдан чеклаш жазосига алмаштиришни, ЖКнинг 48¹–моддаси 6–қисмига мувофиқ, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бузган тақдирда, қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни ва тақдимномани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46–моддаси ва ЖПК 423–моддасига асосан суд, ажрим қилади,

а ж р и м қ и л а д и :

Жомбой туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкума Ярбоева Умида Абдулла қизи жиноят ишлари бўйича стдарғом туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ажримига кўра, 1 йил муддатга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 1 йил



муддати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46–моддаси 4–қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Судланувчи Ярбоева Умида Абдулла қизи оздликни чеклаш жазосини Жомбой тумани “Холвойи” МФЙ, Чалақўрғон қишлоғидаги уйида ўташи белгилансин ҳамда иш жойига бориши ва уй–жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари, қолган вақтда уй–жойидан чиқиш тақиқлансин.

Судланувчи Ярбоева Умида Абдулла қизига қуйидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин:

- Жомбой тумани бўйича ИИБ рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Судланувчи У.Ярбоева устидан назорат қилиш вазифаси Жомбой тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазонинг муддати Жомбой тумани ИИБ Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ярбоева Умида Абдулла қизига жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹–моддаси 6–қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ва жазонинг ўталмаган муддати оғирроқ жазога алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазо муддати ажрим ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримдан норози томонлар кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ж.Ботиров

Аслига тўғри:

